

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ”  
КАФЕДРАСИ**

**“Евразия ТАПО-ДИСК ҚК АЖ буюртмасига кўра № 600.14.039 рақамли  
“тишли ғилдиракли вал” деталини тайёрлаш илғор технологиясини  
ишлаб чиқиш” мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Бажарди:

19-10 МСТ гуруҳ талабаси  
Қурбонов Ж

Раҳбар:

Файзиматов Б.

Кафедра мудири:

Файзиматов Ш.Н.

**ФАРҒОНА – 2014**

## КИРИШ

Жамиятнинг моддий техника базасини яратувчи ва мамлакатимизнинг техник тараққиётини ривожланишини белгиловчи соҳа машинасозликдир. У саноатнинг турли тармоқларини янги техника, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайди. Шу сабабли машинасозлик ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи саноатнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Машинасозликнинг асосини машиналарни лойихалаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этади. Машиналар ўз навбатида жамият турмуш фаровонлигини кўрсатади. Улар иш унумдорлигини, меҳнат самарадорлигини ва маҳсулот сифатини оширадilar. Мустақилликнинг бошланғич давридаёқ, мамлакатимизда машинасозликни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди. Кўплаб қўшма корхоналари машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

Машиналарга юқори аниқлик ва тезлик, иссиқликка чидамлик, кичик вазн ва хажм, мустаҳкамлик ва ишончлик каби юқори талаблар қўйилган. Бундай талабларни ошиб бориши машинасозлар олдида мураккаб конструкторлик ва технологик саволларни қисқа вақт ичида ечиш масаласини қўймоқда.

Машинасозлик технологияси ишлаб чиқариш дастурига асосан белгиланган муддат ичида талаб этилган сифат даражасида меҳнат ҳамда моддий ресурсларни кам сарфлаган ҳолда машина ва механизмлар тайёрлаш қонуниятларини ўргатади.

Машинасозлик технологияси фан сифатида шаклланишининг асосий шартларидан бири инсоннинг меҳнат қуролларини такомиллаштиришга ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга бўлган интилишларидадир.

Машинасозликни ривожланишида ҳозирги кунда икки йўналиш асосий ва белгиловчи бўлиб қолмоқда. Булардан бири ишлаб чиқариш жараёнининг ва уни технологик тайёрлашни интеллектуаллаштириш бу ўз навбатида лойихалаш бўлимларида ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнларида ЭХМ лардан ва автоматлаштириш воситаларидан кенг кўламда фойдаланишдан иборатдир. Чунки интеллектуал лойихалаш ва ишлаб чиқариш тизимлари тайёр маҳсулот турининг бирдан иккинчисига ўтишининг мосланувчанлигини таъминлайди. Иккинчи йўналиш инсон эҳтиёжини индивидуаллигини, бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда бир хил вазифани бажарувчи турли кўринишдаги машина ва механизмлар яратишдан иборат.

## 2. УМУМИЙ ҚИСМ

### 2.1. Детал хизмат вазифаси

Берилган детал тишли вал деб аталиб бундай деталлар вал типдаги деталлар сарасига киради.Машинасозлик саноатида бундай деталлар етакловчи валлар сифатида ишлатилади, тишли валга тушадиган кучланиш юқори бўлганлиги учун бу детал материаллари одатда мустахкамлиги юқори бўлган материаллардан таёрланади.

Бизга маҳлумки барча типдаги деталларга ва тишли ғилдиракларга,валларга унинг хизмат вазифасига қараб,техник талаблар қўйилади,бунга кўра барча ғилдираклар юза тозалиги Ra 1.25-2.5 мкм.гача бўлиши мумкин.

Уларнинг тишлари ишчи юзаларини ғадир-будурлиги Ra 0.63-2.5 мкм.гача бўлиши мумкин.Бундан ташқари одатда вал типдаги деталларга қўйиладиган техник талаблар уларнинг ишлаш шароитига қараб белгиланиши мумкин.Поғанали валларнинг цилиндрик юзаларига ишлов беришда 12-синф аниқлиги ва Rz 80 қора йўниш операцияси бажарилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда берилган деталга унинг тишларининг ишчи юзаларига Ra 1.5 мкм аниқлик қўйилди,вал поғаналарига эса А,Б юзага Ra 1.5 мкм, В юзага Rz 10 мкм,қолган юзаларга Rz 30мкм юза тозаликлари қўйилди.

Деталимизнинг материали “Пўлат 40” бундай маркали деталлар углероди нисбатан кам бўлганлиги учун буровчи моментга чидамли материал ҳисобланади.

Валлар редуктор узатмаларда ва хар ҳил айланувчи дастгоҳлар учун умуман олганда машинасозлик ва халқ хўжалигида кенг қўллашда ишлатилади.

“Пўлат 40” кимёвий таркиби %

1-жадвал

C	Si	Mn	S	P	Ni	Cr
			Кўп эмас			
0.17÷0.24	0.17÷0.37	0.35÷0.65	0.04	0.04	0.25	0.25

“Пўлат 40” нинг механик хоссаси

2-жадвал

Мустахамлик чегараси, МПа				Бринелл бўйича каттиқлиги(НВ), кг/мм <sup>2</sup>	Оқувчанлик чегараси, МПа
Чўзилиш, $\sigma_{мч}$	Сиқилиш, $\tau_{мс}$	Эгилиш, $\tau_{мэ}$	Буралиш, $\tau_{мб}$		
25	42	25	55	163	197

Пўлат таркибида углерод ва бир қатор доимий ёки ўзгармас аралашмалардан: *Mn, Si, S, P, O, N, H* ва б.лардан ташкил топган кўп таркибли қотишма ҳисобланади. Ушбу аралашмаларнинг мавжудлиги, шихта-легирланган механик ломдан (Cr, Ni ва б.) ёки бўкиш (Mn, Si) жараёнида пўлатга ўтишида, эриш жараёнида (P, S) уларни чиқариб ташлашнинг қийинлиги билан изоҳланади. Ушбу аралашмалар оз миқдорда чўян таркибида ҳам мавжуд бўлади.

**2.2. Детал тузилишининг технологиклиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари**

Машина деталларини тайёрлашда қуйидаги кўрсаткичларига эътибор бериш керак;

1. Детал ишлаб чиқаришда иложи борича иш хажмини камайтириш;
2. Механик ишлов беришни иложи борича юқори даражага кўтариш;
3. Метални тежашда юқори кўрсаткичга эришиш.

Ишлаб чиқариш дастурига, ишлаб чиқариш турига ва тайёрлов цехларининг имкониятига қараб, заготовкларнинг шакли танланади. Заготовклар шакли ва ўлчамлари жихатидан тайёр деталнинг шакли ва ўлчамларига яқин бўлиши керак.

Қуйидаги технологиклик кўрсаткичларни аниқлаймиз:

Детал конструкциясини технологиклиги — конструкциясини шундай хоссалари йиғиндисики бунда бир хил сифат кўрсаткичларига эга бўлган бир хил шароитда тайёрланган ва эксплуатация қилинадиган ўхшаш конструкциясига эга бўлган махсулотга нисбатан янада самарадор технологиялар билан ишлов бериш таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

Детални технологиликка таҳлил қилиш ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни муҳим масаласидир.

Лойihalанаётган детални чизмасини таҳлили шуни кўрсатадики детални ишчи вазифасини ўзгартирмаган ҳолда уни тузилиши элементларини қисқартириш имкони йўқ. Ишлов беришда қийинчилик туғдирадиган ва мақсадга мувофиқ бўлмаган юзалар аниқланади.

Бажарилган таҳлил қуйидаги коэффициентларни аниқлашга имкон беради.

1. Ишлов бериш аниқлиги коэффициенти.

$$K_{m.o} = 1 - \frac{1}{A_{yp}}$$

бу ерда:

$$K_{m.o} = 1 - \frac{1}{A_{yp}} = 1 - \frac{\sum n_i}{\sum \tau_{n_i}} = 1 - \frac{\sum_1^{19} n_i}{(n_1 + 2n_2 + 3n_3 + \dots + 19n_{19})} = \frac{1+1+1+15}{(6 \cdot 1) + (8 \cdot 1) + (9 \cdot 1) + (14 \cdot 15)} =$$

$$= 1 - \frac{18}{233} = 1 - 0.077 = 0.923$$

2. Юзалар ғадир–будурлик коэффициенти.

$$K_m = \frac{1}{B_{ep}}$$

бу ерда:

$$B_{ep} = \frac{(0.01n_1 + 0.02n_2 + \dots + 40n_{13} + 80n_{14})}{\sum_1^{14} n_i} = \frac{101}{18} = 5.61$$

$$K_m = \frac{1}{B_{ep}} = \frac{1}{5.61} = 0.178 \approx 0.18$$

Бажарилган тахлил йиғув бирикманинг берилган детални тўғри лойихалашга имкон беради.

### 2.3. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш

Ҳар бир машинасозлик корхонаси бир йил давомида ишлаб чиқаришга керак бўлган маҳсулот ва захира қисмларининг маълумотига эга. Бу маълумот ишлаб чиқариш дастури деб аталади ва унда маълумотни тури, сони, ўлчами ва материали тўғрисида ҳам етарлича ахборот бор. Корхонанинг умумий ишлаб чиқариш дастурига асосан цехлар бўйича ишлаб чиқариш дастури тузилади. Ҳар бир маҳсулот умумий кўринишининг чизмаси, деталларнинг ишчи чизмаси, йиғув чизма, спецификациялар ва техник талаблар билан бойитилади.

Ишлаб чиқариш дастурининг хажми, маҳсулот таснифи, жараённинг техник ва иқтисодий шартларига асосан шартли равишда учта ишлаб чиқариш тури мавжуд: донали, серияли, ялпи. Ҳар бир ишлаб чиқариш тури ўзига хос ташкилий шаклга эга. Шунини айтиш керакки, битта корхонада хар-ҳил ишлаб чиқариш турлари бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш тури ва унга тўғри келадиган ишни ташкил қилиш шакли технологик жараённи таснифини ҳамда унинг тузилишини аниқлайди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш турини аниқлаш деталга механик ишлов бериш технологик жараённи лойихалашни бошланғич асосий босқичидир. Ишлаб

чиқариш турини жадваллар усули билан аниқлаганда деталнинг оғирлиги ва йиллик ишлаб чиқариш дастури талаб қилинади.

Бунда  $N=2000$  дона ва  $m=9$  кг бўлганда ([10],2ж,18б) ишлаб чиқариш тури ўрта серияли деб айтишимиз мумкин.

Берилган йиллик дастурга асосан ишлаб чиқариш қадамини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади.

$$T_B = \frac{F_k * 60}{N} = \frac{4029 \cdot 60}{1500} = 161,1$$

бу ерда:  $F_g = 4029 \text{ соат}$  – дастгоҳларни бир йиллик ҳақиқий ишлаш вақти фонди;  $N=2000$  дона – йиллик ишлаб чиқариш дастури.

Бўлимдаги иш тартиби 1 сменали. Серияли ишлаб чиқариш турида деталларни партияларга бўлиб ишлов бериш сабабли партиядagi деталлар сонини ҳисоблаб топиш талаб қилинади.

$$n = \frac{N * a}{F} = \frac{2000 \cdot 6}{254} = 47$$

бу ерда:  $a=3,6,12,24$  кун – партиядagi деталларни ишлов беришга киритилиш даври;  $F=254$  кун – бир йилдаги ишчи кунлар сони.



### **3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ.**

#### **3.1. Заготовка турини танлаш ва уни олиш усулини аниқлаш.**

Заготовклар тоза ва хомаки заготовкларга бўлинади. Тоза заготовка деганда тайёрлангандан кейин кесиб ишланмайдиган, ўлчамлари ва тозалиги тайёр детал чизмасида кўрсатилган ўлчам ва тозаликка тўғри келадиган заготовклар тушунилади. Хомаки заготовклар чизма талабларига мувофиқ келадиган ўлчам, аниқлик ва тозаликдаги детал ҳосил қилиш мақсадида қўйим кесиб олиш учун механик ишланиш зарур бўлган заготовклардир.

Машина деталлари учун заготовклар асосан қуйидаги усуллар билан тайёрланади:

- 1) қора ва рангли металллардан қуйиш йўли билан;
- 2) босим билан ишлаш (болғалаш ва штамплаш) орқали;
- 3) қора ва рангли металллар прокатидан;
- 4) металлокерамикадан (кукун металлургияси йўли билан);
- 5) пайвандлаш – заготовка қисмларини бир бутун қилиб улаш йўли билан;
- 6) металлмас материаллардан (пластик массалар ва бошқалардан).

Заготовка олиш усулини танлаш, детални ўлчам ва материали, ишчи вазифаси, уни тайёрлашга техник талаблар, йиллик дастур ва умумий тузилиши каби омиллар белгилаб беради. Бу масалани хал қилишда заготовка ўлчами ва тузилиши детални ўлчам ва тузилишига максимал яқин бўлишини тахминлаш керак. Лекин шуни унутмаслик керакки, заготовка аниқлигини ошириш ва тузилишини мураккаблаштириш уни таннархини ошишига олиб келади. Шунинг учун ҳам заготовка олишни оптимал усули қилиб, заготовка таннархи кам бўлгандаги усули ҳисобланади.

Заготовка олишни мавжуд усулларини таҳлил қилиб, берилган ишлаб чиқариш шароитида деталимиз учун заготовкани оптимал тайёрлаш усули штамплаш усулидан фойдаланамиз

### 3.2. Детал юзаларига механик ишлов бериш режасини тузиш. Технологик базаларни танлаш.

3-жадвал

#### Дастлабки ишлов бериш маршрути

№	Операция	Ишлов бериладиган юзалар
1	2	Ишлов бериладиган юзалар
1	Торецни фрезалаш	1,19
2	Марказий тешиқлар пармалансин	20,21
3	Унг қисмини қора ишлов бериш	11,12,14,15,16,17,18
4	Чап қисмини қора ишлов бериш	4,5,6,7,8,9,10,
5	Унг қисмини ярим тоза ишлов бериш	12,16,18
6	Чап қисмини ярим тоза ишлов бериш	4,6,7,9
7	Унг қисмини тоза ишлов бериш	16,18
8	Чап қисмини тоза ишлов бериш	4,7,9
9	Шпонка ариқчаси фрезалансин	2,3
10	Тиш фрезалаш	13
11	Фаска кесиш	13
12	Шевинглаш	13
13	Термик ишлов бериш, тоблаш	
14	Марказий тешиқлар тозалансин	20,21
15	Унг қисмини ярим тоза жилвирлансин	18
16	Чап қисмини ярим тоза жилвирлансин	4,7
17	Унг қисмини тоза жилвирлансин	18
18	Чап қисмини тоза жилвирлансин	7
19	Тиш жилвирлаш	13

4-жадвал

#### Охирги ишлов бериш маршрути

№	Операция номи	Утишлар мазмуни
1	2	3
10	Фрезалаш марказлаш	1,19. Торецлар фрезалансин 20,21 марказий тешиқлар пармалансин
20	Токарлик	11,12,14–18 юзалар қора ишлов берилсин
30	Токарлик	4–10, юзалар қора ишлов берилсин
40	Токарлик	12, 16, 18 юзалар ярим тоза ва тоза ишлов берилсин
50	Токарлик	4-7, 9 юзалар ярим тоза ва тоза ишлов

60	Фрезерлаш	берилсин
70	Тиш фрезалаш	2,3 юзадаги шпонка ариқчаси фрезалансин
80	Тишга шакл бериш	13 юзага тиш фрезалансин
90	Шевинглаш	13 юзага фаска очилсин
100	Термик ишлов бериш	13 юза шевинглансин
110	Марказ жилвирлаш	Тоблаш
120	Жилвирлаш	20, 21 марказий тешиқлар тозалансин
130	Жилвирлаш	18 юза ярим тоза ва тоза жилвирлансин
140	Тиш жилвирлаш	4,7 юзалар ярим тоза ва тоза жилвирлансин
150	Полировка	13 юзадаги тишлар жилвирлансин
		7 юза полировка

Тишли ғилдиракли вал деталига ишлов бериш турлари ва детал юзаларнинг характеристикалари қуйидаги жадвалда кўрсатилган

Таблица 9.1

№ операции	№ Юзалар	Ишлов бериш тури	Юза жойлашиши	Заготовки, ўлчами мм×мм	Ишлов бериладиган юза ўлчами	Аниқлик квалитети	Дастгоҳ модели
1	2	3	4	5	6	7	8
10	1,18, 19,20	Фрезалаш, пармалаш	Горизантал Вертикал	412,5× ×180	400 Ø13,2×14	14, 9	Фрезалаш-марказлаш яримавтомат МР-76АМ
20	10 11 13 14 15 16 17	Йўниш	Вертикал Горизантал Вертикал Горизантал Вертикал Горизантал Горизантал	400×172	60 Ø128×50 110 Ø60×70 180 3 Ø50×60	12	Токарлик винкиркар 16Б16Т1
30	4 5 6 7 8 9 21	Йўниш	Горизантал Вертикал Горизантал Гориз Вертикал Горизантал Горизантал	400×172	Ø40×80 80 Ø50×80 3 0 Ø70×60 3	12	Токарлик винкиркар 16Б16Т1
40	11 15 17	Йўниш	Горизантал Вертикал Горизантал	400×172	Ø128×50 180 Ø50×60	8 12 8	Токарлик винкиркар 16Б16ПТ1
1	2	4	5	6	7	8	9
50	4 5 6 8	Йўниш	Горизантал Вертикал Горизантал Вертикал	400×172	Ø40×80 80 Ø50×80 180	8 8 8 8	Токарлик винкиркар 16Б16ПТ1

60	2 3	Фрезалаш	Горизантал Вертикал	400×172	70 12	9	Горизантал шпонка очувчи фреза 692P
70	12	Тишфрезалаш	Горизантал	400×172	50	8 ст.	Вертикал тиш фрезалаш 53A20
80	12	Фаска кесиш	Горизантал	400×172	3		Тишга шакл бериш BC-320A
90	12	Шевинглаш	Горизантал	400×172	50	6ст.	Горизантал тиш шевинглаш 5702B
110	19, 20	Жилвирлаш	Вертикал	400×172	Ø13,2×14	8	Марказ жилвирлаш 3922E
120	17	Жилвирлаш	Горизантал	400×172	Ø50×60	6	Доиравий жилвирлаш 3A151
130	4 6	Жилвирлаш	Горизантал Горизантал	400×172	Ø40×80 Ø50×40	6	Доиравий жилвирлаш 3A151
140	12	Тиш жилвирлаш	Вертикал	400×172	50	6	Тиш жилвирлаш 5851
150	6	Полировка	Горизантал	400×172	Ø50×40	6	Полоровка 3A352

### 3.3. Танланган технологик жараёнларни асослаш

Биз танлаган технологик жараён иқтисодий жихатдан ҳам, замонавий ишлаб чиқариш саноати шарт–шароитлари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Берилган йиллик дастурга асосан ва деталнинг оғирлигига нисбатан ўрта серияли ишлаб чиқариш турини танладик.

Бу турдаги ишлаб чиқариш корхоналардаги шароит ихчамлик ва бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда мосланувчанликни тақозо этади.

Технологик жараёнда танланган дастгоҳларимиз ва мосламаларимиз меҳнат унумдорлигини ошириш ва сарф харажатларини камайтиришга йўналтирилган.

Замонавий металлларга механик ишлов берувчи усуллар, қуйма заготовкаларни қуйиш, тебратиб тозалаш машиналари, босим билан ишлов бериш усулларидан ташкил топган технологик жараён йиллик дастурда кўзда тутилган маҳсулотни етарли даражда ва ўз вақтида бажаришга имкон беради.

Технологик жараённинг лойихалашда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим бўлади.

1. Вақтдан ютиш учун қўлланиладиган технологик жараёндан фойдаланиш.
2. Хаддан зиёд қимматбаҳо металл кесувчи дастгоҳлар ва кесувчи асбоблардан фойдаланмаслик.
3. Иложи борича стандартлашган ва нормаллаштирилган асбоб–учкуналардан фойдаланиш.
4. Замонавий лойихана ташкиллаш усуллари ишлаш.
5. Иложи борича детални бир ўрнатишда кўпроқ юзаларига ишлов беришга эришиш.

Булар технологик жараёни арзонлаштиради ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннариhini камайтиради.

Биз қўллаётган жихоз ва мосламалар стандартлашган, дастгоҳлар юқори унумдорликка эга, шу сабабли юқорида қўйилган талабларга жавоб беради. Бизга берилган деталимиз машинасозликда, саноатда ,қишлоқ хожалигидаги машина,механизм ва узелларда жуда кўплаб фойдалилиб келинмоқда.

### **3.4. Иккита турли кўринишдаги юзаларга механик ишлов бериш учун қолдирилган қўйимларни аналитик ҳисоби**

4.1. Деталнинг узунлиги учун қўйим миқдорини аниқлаймиз. Деталнинг узунлиги  $l=400_{-0,4}$  мм, оғирлиги 9 кг. Е ва Д юзалар торецланади. Заготовка – иссиқ болғалаш усули билан олинган штамп.

Қарама-қарши жойлашган юзаларга параллел ишлов беришда қўйимларни аниқлаш қуйидаги формула ёрдамида топилади [3, 62 б.]:

$$2z_{i_{min}} = 2(R_{z_{i-1}} + T_{i-1} + \rho_{i-1} + \varepsilon_i),$$

Заготовка учун профилнинг нотекикликлари баландлиги  $R$  ва сирт катламдаги нуқсонлар чуқурлигини  $T$  жадвалдан оламиз:

- 1) *заготовка учун:*  $R=160$  мкм;  $T=200$  мкм [4, 186 б.];
- 2) *қора йўниш учун:*  $R=50$  мкм;  $T=50$  мкм [4, 188 б.].

Допусклар миқдори [4, 192 б.]:

- заготовка учун  $\delta=1000$  мкм;
- қора йўниш учун  $\delta=400$  мкм.

Фазовий четланишларнинг умумий йиғиндиси қуйидаги формула ёрдамида топилади [3, 69 б.]:

$$\rho_z = \sqrt{\rho_{см}^2 + \rho_{эг}^2} = \sqrt{0,25^2 + (3 \cdot 0,154)^2} = 525 \text{ мкм};$$

$\Delta_{кр}$ -3 мм, вал типидagi заготовканинг эгрилиги [4, 186б., 16ж.].

$\Delta_{\text{см}}=0,25$  мм, вал типдаги заготовканинг штамп ярми бўйича ўқларининг ўртасидаги номуносивлик [4, 187б., 18ж.].

Қолдиқ фазовий четланишлар:

- дастлабки қора йўнишдан сўнг  $\rho_1=0,06 \cdot 269=16$  мкм.

Қора йўнишда ўрнатиш хатолиги қуйидагича аниқланади:

$$\varepsilon_{\ddot{y}} = \sqrt{\varepsilon_6^2 + \varepsilon_M^2} = \sqrt{62^2 + 500^2} = 504 \text{ мкм},$$

$$\varepsilon_6=l \cdot \text{tg} \alpha = 400 \cdot 0,0004 = 0.16 \text{ мм};$$

$\varepsilon_M=500$  мкм, заготовкани ўрнатишдаги хатolik [3, 76б., 14.10ж.].

3.3-жадвал

Технологик ишлов бериш	Қўйим элементлари				$2z_{\min}$	$L_x$ , мм	Допуск $\delta$ , мкм	Чегаравий ўлчам, мм		Қўйимлар чегараси, мкм	
	$R_z$	$T$	$\rho$	$\varepsilon$				$L_{\min}$	$L_{\max}$	$2z_{\min}^q$	$2z_{\max}^q$
Штамповка	160	200	525			402,4	1000	402,378	403,378		
Қора йўниш	50	50	26	504	2·1389	399,6	400	399,6	400	2778	3378
										2778	3378

Қўйимларнинг энг катта ва энг кичик қийматлари йиғиндисини аниқлаймиз:

$$z_{\text{ум.}min}^q=2778 \text{ мкм}.$$

$$z_{\text{ум.}max}^q=3378 \text{ мкм}.$$

Хисоблар тўғрилигини текшираимиз.

$$z_{\text{ум.}min}^q - z_{\text{ум.}max}^q = \delta_z - \delta_d$$

$$3378 - 2778 = 1000 - 400$$



$$600=600$$

Ҳисоб тўғри бажарилган.

3.4.2. 18 юза учун қўйим миқдорини аниқлаймиз. Г юза ташқи айланма юза бўлиб, диаметри Ø50h8. Д юзага қора ва тоза йўниб ҳамдаш жилвирлаб ишлов берилади. Заготовка штампланган усули билан олинган.

Айланувчи ички юзаларга ишлов беришда қўйимларни аниқлаш қуйидаги формула ёрдамида топилади [3, 62 б.]:

$$2z_{i_{min}} = 2(R_{z_{i-1}} + T_{i-1} + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2}),$$

Заготовка учун профилнинг нотекисликлари баландлиги  $R$  ва сирт қатламдаги нуқсонлар чуқурлигини  $T$  жадвалдан оламиз:

- 1) *заготовка учун*:  $R=160$  мкм;  $T=200$  мкм [4, 186 б.];
- 2) *қора йўниш учун*:  $R=50$  мкм;  $T=50$  мкм [4, 188 б.];
- 3) *тоза йўниш учун*:  $R=25$  мкм;  $T=25$  мкм [4, 188 б.];
- 4) *қора жилвирлаш учун*:  $R=25$  мкм;  $T=25$  мкм [4, 188 б.].

Допусклар миқдори [4, 192 б.]:

- заготовка учун  $\delta=320$  мкм;
- қора йўниш учун  $\delta=210$  мкм;
- тоза йўниш учун  $\delta=84$  мкм;
- жилвирлаш учун  $\delta=33$  мкм;

Фазовий четланишларнинг умумий йиғиндиси сортли прокатлар учун қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$\rho_z = \sqrt{\rho_{см}^2 + \rho_{кор}^2 + \rho_{ц}^2};$$

$$\rho_{см} = 0,25 \text{ мм} [4, 187 б.];$$

$$\rho_{кор} = \Delta_{кор} d = 0,5 \cdot 50 = 25 \text{ мкм} [4, 187 б.];$$

$$\rho_{ц} = \sqrt{\left(\frac{0,320}{2}\right)^2 + 0,25^2} = 0,406 \text{ мм.}$$

$$\rho_3 = \sqrt{0,25^2 + 0,012^2 + 0,406^2} = 0,477 \text{ мм}$$

Қолдик фазовий четланишлар:

- қора йўнишдан сўнг  $\rho_1 = 0,06 \cdot 477 = 29$  мкм.
- тоза йўнишдан сўнг  $\rho_2 = 0,04 \cdot 477 = 19$  мкм.

Заготовкани ўрнатишдаги хатоликлар қуйидагича топилади:

$$\varepsilon_{\ddot{y}} = \sqrt{\varepsilon_6^2 + \varepsilon_M^2 + \varepsilon_X^2},$$

бу ерда,  $\varepsilon_6$  – базалашдаги хатолик;  $\varepsilon_M$  – мустаҳкамлашдаги хатолик,  $\varepsilon_M = 80$  [3, 78 б.];  $\varepsilon_X$  – заготовкани мосламада жойлашишидаги хатолик.

Қора йўнишда ўрнатиш хатолиги қуйидагича аниқланади:

$$\varepsilon_{\ddot{y}} = \sqrt{\varepsilon_6^2 + \varepsilon_M^2} = \sqrt{10^2 + 80^2} = 81 \text{ мкм,}$$

$$\varepsilon_6 = l \cdot \operatorname{tg} \alpha = 50 \cdot 0,0004 = 0,02 \text{ мм}$$

Тоза йўнишда ўрнатиш хатолиги  $\varepsilon_{\ddot{y}2} = 0,05 \cdot 81 = 4$  мкм

Қўйимларнинг минимал миқдорини ҳисоблаймиз:

- қора йўниш  $2z_{\min_1} = 2(160 + 200 + \sqrt{477^2 + 81^2}) = 2 \cdot 844$  мкм;
- тоза йўниш  $2z_{\min_2} = 2(50 + 50 + \sqrt{29^2 + 4^2}) = 2 \cdot 130$  мкм.

3.3-жадвал

Технологик ишлов бериш	Қўйим элементлари				$2z_{\min}$	$d_x$ , мм	Допуск $\delta$ , мкм	Чегаравий ўлчам, мм		Қўйимлар чегараси, мкм	
	$R_z$	$T$	$\rho$	$\varepsilon$				$d_{\min}$	$d_{\max}$	$2z_{\min}^{\text{ч}}$	$2z_{\max}^{\text{ч}}$
Штамповка	160	200	477			52,1	520	50,052	52,572		
Қора йўниш	50	50	29	81	2·844	50,4	210	50,364	50,574	1688	1998
Тоза йўниш	25	25	19	4	2·130	50,1	84	50,105	50,189	259	385
Жилвирлаш	5	15	0		2·69	50	33	49,967	50	138	189

										2085	2572
--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	------	------

Қуйимларнинг энг катта ва энг кичик қийматлари йиғиндисини аниқлаймиз:

$$z_{ум.мин}^ч = 2085 \text{ мкм.}$$

$$z_{ум.маx}^ч = 2572 \text{ мкм.}$$

Ҳисоблар тўғрилигини текшираимиз.

$$z_{ум.мин}^ч - z_{ум.маx}^ч = \delta_z - \delta_d$$

$$2572 - 2085 = 520 - 33$$

$$487 = 487$$

Ҳисоб тўғри бажарилган.

### 3.5. Жадвал усули билан механик ишлов бериш учун қолдирилган қўйимларни аналитик ҳисоби

Қабул қилинган заготовка тури ва технологик маршрутга кўра қўйим миқдорлари ва рухсат этилган четланишларни жадвал усулида топамиз.

Қўйим миқдорини аниқлаш ва четланишларни белгилаш ГОСТ 7505-84.

3.4–жадвал

Улчамлар мм	Қуйим 2Z, мм	Заготовка улчами., мм	Допуск Td, мм	Ҳолатдаги допуска
2	3	4	5	6
50	7	57	4	+3; -1
70	8	78	4	+3; -1

172	8	180	4	+3; -1
60	8	68	4	+3; -1
160	10	170	5,6	+4; -1,6
60	8	68	4	+3; -1
50	7	57	4	+3; -1
400	15	415	5,6	+4; -1,6

### 3.6. Иккита турли кўринишдаги юзаларга кесиш маромини қисқа аналитик усул билан ҳисоблаш ва асосий вақтни аниқлаш

3.6.1. 020 токарлик операцияси 2-ўтиш учун кесиш маромларини қисқа аналитик усулда ҳисоблаймиз. Ушбу ўтишда Ø177 диаметрли 44 мм узунликдаги цилиндрик юзага йўниб, қора ишлов берилади.

Ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар:

- дастгоҳ тури: 16Б16Т1;
- кесувчи асбоб: қаттиқ қотишмали Т15К6 кескичи. Кесувчи асбоб параметрлари: пландаги асосий бурчак қиймати - 90°; - кескич учи радиуси - 0,4 мм;
- ишлов бериладиган диаметр,  $d = \text{Ø}177$  мм;
- ишлов бериладиган узунлик,  $l = 44$  мм;
- кесиш чуқурлиги,  $t = 2$  мм;
- суриш қиймати,  $s = 0,9$  мм/айл (справочникка асосан [4, 268 б.]);
- кесишнинг турунлик даври,  $T = 60$  дақ.

1. Кесиш тезлиги қуйидаги эмпирик формула ёрдамида аниқланади:

$$v = \frac{C_v}{T^m \cdot t^x \cdot s^y} K_v, \quad (3.3)$$

бу ерда,

$C_v = 340$  - кесиш тезлигини топиш учун коэффициент, [4, 269 б.];  $x = 0,15$  - кесиш чуқурлиги кўрсаткич даражаси;  $y = 0,43$  - узатиш кўрсаткичи даражаси;  $m = 60$  - кесувчи асбобнинг турғунлик даври кўрсаткич даражаси;  $K_v$  - кесиш тезлигининг тўғрилаш коэффициенти, у қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{пв} \cdot K_{ив}, \quad (3.4)$$

бу ерда,

$K_{mv} = 1,62$  - ишлов берилаётган материалнинг физик-кимёвий хусусиятларининг таъсирига боғлиқ коэффициент, [4, 262 б.];

$K_{пв} = 0,8$  - заготовка юзасига боғлиқ коэффициент, [4, 263 б.];

$K_{ив} = 1$  - кесувчи асбобни кесиш тезлигига таъсирини ҳисобга олиш коэффициенти, [4, 263 б.].

$$K_v = 1,62 \cdot 0,8 \cdot 1 = 1,296$$

2. У ҳолда кесиш тезлиги қуйидагига тенг:

$$v = \frac{340}{60^{0,2} \cdot 2^{0,15} \cdot 0,9^{0,43}} \cdot 1,296 = 183,22$$

3. Шпинделнинг айланишлар сони қуйидаги формула орқали топилади:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 183,22}{3,14 \cdot 177} = 329,5 \text{ дақ}^{-1}, \quad (3.5)$$

бу ерда,  $D$  - ишлов берилаётган юза диаметри, мм.

4. Биз танлаган дастгоҳнинг паспорти бўйича шпинделнинг айланишлар сонини  $n = 330$  айл/дақ деб тўғриласак, у ҳолда ҳақиқий кесиш тезлиги қуйидагича топилади:

$$v_{\phi} = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 177 \cdot 330}{1000} = 184 \text{ м/дақ.}$$

5. Тангенциал кесиш кучи куйидаги формула ёрдамида топилади:

$$P_z = 10 \cdot C_p \cdot t^x \cdot s^y \cdot v^n \cdot K_p, \quad (3.6)$$

бу ерда,

Ср ва x, y, n - муайян ишлов бериш шароити учун доимий коэффициент ва даража кўрсаткичлари, бизнинг ҳолат учун: Ср=300, x=1, y=0,75, n=-0,15 [4, 2736.];

Кр - тўғрилаш коэффициенти кесиш шароитидаги омилларга боғлиқ бир қатор коэффициентларнинг кўпайтмасига тенг:

$$K_p = K_{\text{мр}} \cdot K_{\phi p} \cdot K_{\gamma p} \cdot K_{\lambda p} \cdot K_{r p}, \quad (3.7)$$

бу ерда,

Кмр - куч боғланишини ишлов берилаётган материал сифатига таъсирини ҳисобга олувчи тўғрилаш коэффициенти, Кмр=0,81;

Кфр=0,89, Кγр=1, Кλр=1, Крр=0,87.

$$K_p = 0,81 \cdot 0,89 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 0,87 = 0,63.$$

У ҳолда кесиш кучи куйидагига тенг:

$$P_z = 10 \cdot 300 \cdot 2^1 \cdot 0,9^{0,75} \cdot 183,22^{-0,15} \cdot 0,63 = 1599 \text{ Н.}$$

6. Кесиш қувватини куйидаги формула орқали топамиз:

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z \cdot V_{\phi}}{1020 \cdot 60} = \frac{1599 \cdot 184}{1020 \cdot 60} = 4,81 \text{ кВт.} \quad (3.8)$$

Дастгоҳнинг максимал қуввати Nэ = N · η = 10 · 0,75 = 7,5 кВт.

N<sub>кес</sub> < N<sub>э</sub>, 4,81 < 7,5, яъни ишлов бериш мумкин.

7. Асосий технологик вақт қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_0 = \frac{Li}{nS}, \quad (3.9)$$

бу ерда,  $L$  - узатиш ҳаракатланиш траекторияси бўйича кескичнинг умумий йўли;  $i$  - ишчи ход сони.

Ишчи ход узунлиги қуйидагича топилади:

$$L = l + l_1 + l_2, \quad (3.10)$$

бу ерда,  $l$  - ишлов бериладиган юза узунлиги,  $l = 44$  мм;  $l_1$  - кесиш йўли қиймати, мм,  $l_1 = t \operatorname{ctg} \phi + 1 = 2 \cdot 0 + 1 = 1$  мм;  $l_2$  - кескичнинг ортиқча юрган йўли,  $l_2 = 2$  мм.  $L = 47$  мм.

$$T_0 = \frac{Li}{nS} = \frac{47}{330 \cdot 0,9} = 0,158 \text{ дақ.}$$

№ опер	№ ўтиш	$d$ , мм	$t$ , мм	$L$ , мм	$S$ , мм/айл	$V$ , м/дақ	$n$ , 1/дақ	$N$ , кВт	$T_0$ , дақ
020	2	180	2	44	0,9	187	330	4,89	0,158

3.6.2. Фрезалаш операцияси бўйича кесиш маромларини ҳисоблаш.

Ўтиш мазмуни:  $V=12$  мм шпонка ариқчаси фрезалансин.

Дастгоҳ: 6Т12 - Вертикал фрезалаш дастгоҳи.

Ишлов бериладиган қўйим миқдори -  $t=h=3$  мм. Фрезаланадиган юза эни -  $V=12$  мм, узунлиги -  $l=70$  мм.

Кесувчи асбоб: Р6М5 - тез қирқар пўлат шпонка фреза. Стандарт бўйича фреза диаметрини:  $D = 12$  ҳамда тишлар сонини аниқлаймиз:  $z=8$ .

Кесиш маромларини аниқлаймиз.

1). Кесиш чуқурлигини аниқлаймиз. Қўйимни бир ишчи юриш билан оламиз -  $t=h=3$  мм.

2). Суриш қийматини қабул қиламиз. [11] (38-жадвал, 286-бет) га асосан  $s_z=0,026$  мм/дақ.

3). Танланган фреза учун турғунлик даврини топамиз: [11] (42-жадвал, 292-бет)  $T=40$  дақ.

4). Кесиш тезлигини топамиз:

$$v = \frac{C_v D^q}{T^m t^x s_z^y B^u z^p} \quad (3.11)$$

бу ерда,

$C_v = 12$  - кесиш тезлигини топиш коэффиценти, [11] (39-жадвал, 286-бет);  $x = 0,3$  - кесиш чуқурлиги кўрсаткич даражаси;  $y = 0,25$  - узатиш кўрсаткичи даражаси;  $m = 0,26$  - кесувчи асбобнинг турғунлик даври кўрсаткич даражаси;  $u=0$ ;  $p=0$ ;  $m=0,26$ .

$K_v$  - кесиш тезлигининг тўғрилаш коэффиценти, у қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{пв} \cdot K_{ив}, \quad (3.12)$$

бу ерда,

$K_{mv} = 1,17$  - ишлов берилаётган материалнинг физик-кимёвий хусусиятларининг таъсирига боғлиқ коэффицент, [4] (1-4 жад., 261-263 б.);

$K_{пв} = 1$  - заготовка юзасига боғлиқ коэффицент, [4] (5-жадвал, 263 б.);

$K_{ив} = 1$  - кесувчи асбобни кесиш тезлигига таъсирини ҳисобга олиш коэффиценти, [4] (6-жадвал, 263 б.).

$$K_v = 1,17 \cdot 1 \cdot 1 = 1,17$$



У ҳолда кесиш тезлиги қуйидагига тенг:

$$v = \frac{12 \cdot 12^{0,3}}{40^{0,26} \cdot 3^{0,3} \cdot 0,026^{0,25} \cdot 12^0 \cdot 8^{0,26}} \cdot 1,17 = 20,31 \frac{\text{м}}{\text{дақ}}.$$

5). Шпинделнинг айланишлар сони қуйидагича топилади:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 20,31}{3,14 \cdot 12} = 538,74 \text{ дақ}^{-1}, \quad (3.13)$$

Биз танлаган дастгоҳга кўра айланишлар сони  $n_x=600$  айл/дақ.

6). Ҳақиқий кесиш тезлиги эса қуйидагича:

$$v_x = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 12 \cdot 600}{1000} = 22,62 \text{ м/дақ}.$$

7). Сурилиш ҳаракат тезлиги

$$s_m = s n = s_z z n_x = 0,026 \cdot 8 \cdot 600 = 124,8 \frac{\text{мм}}{\text{дақ}}.$$

Дастгоҳ бўйича дақиқавий сурилиш  $s_m = 150$  мм/дақ.

Фреза тишига ҳақиқий сурилиш қиймати

$$s_z = \frac{s_m}{z n_x} = \frac{150}{8600} = 0,03 \frac{\text{мм}}{\text{дақ}}.$$

8). Кесиш кучини ҳисоблаймиз

$$P_z = \frac{10 C_p t^x s_z^y B^{n_z}}{D^q n^w} K_{mp} \quad (3.14)$$

бу ерда,

[11] (41-жадвал, 291-бет) га асосан коэффициент ва даража кўрсаткичлари қийматларини топамиз:  $C_p=47$ ;  $x=0,86$ ;  $y=0,72$ ;  $u=1$ ;  $q=0,86$ ;  $w=0$ ;  $n=600$  ишлов берилаётган материал сифатини тўғрилаш коэффициенти  $K_{mp}=0,954$  ([11], 9-жадвал, 264-бет). У ҳолда кесиш кучи

$$P_z = \frac{10 \cdot 47 \cdot 3^{0,86} \cdot 0,026^{0,72} \cdot 12^{1,8}}{12^{0,86} \cdot 600^0} \cdot 0,954 = 943,9 \text{ Н} = 0,9 \text{ кН.}$$

9). Кесиш қувватини ҳисоблаймиз

$$N_{\text{эф}} = \frac{P_z \cdot V}{1020 \cdot 60} = \frac{944 \cdot 23}{1020 \cdot 60} = 0,35 \text{ кВт.} \quad (3.15)$$

10). Дастгоҳ максимал қуввати бўйича текшираимиз

$N_3 = N \cdot \eta = 10 \cdot 0,8 = 8 \text{ кВт.}$   $N_{\text{кес}} < N_3, 0,35 < 8$ , яъни ишлов бериш мумкин.

11). Асосий технологик вақтни аниқлаймиз:

$$T_0 = \frac{L}{v_x} = \frac{l+y+\Delta}{v_x}, \quad (3.16)$$

бу ерда,  $L$  - узатиш ҳаракатланиш траекторияси бўйича кескичнинг умумий йўли;

$i$  - ишчи ход сони.

Ишчи ход узунлиги қуйидагича топилади:

$l$  - ишлов бериладиган юза узунлиги,  $l = 70 \text{ мм}$ ;  $y = 17,5 \text{ мм}$ ;  $\Delta = 3 \text{ мм}$ .

$$T_0 = \frac{70 + 17,5 + 3}{20} = 4,5 \text{ дақ.}$$

### **3.7. Кесиш маромларини жадваллар усулида ҳисоблаш ва асосий вақтни аниқлаш**

3.7.1. Жадвал усулида 010-фрезалаш операцияси 1-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 1,18 юза  $L=400 \text{ мм}$  узунликда фрезалансин.

Бошланғич маълумотлар:

дастгоҳ: МР-76АМ;

кесувчи асбоб: Т15К6 ГОСТ 18880-73;

кесиш чуқурлиги:  $t = 1,5 \text{ мм}$ .

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{қўш}} = 400 + 2 + 3 = 406,5 \text{ мм},$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}$  - кесиш узунлиги,  $l_{\text{кес}}=400$  мм;

$y$  - кесиш нуқтасига келиш ва кесиб ўтиб кетиш йўли,  $y=2$  мм [5, 300 б];

$L_{\text{қўш}}$  - деталнинг конфигурацияси кўра қўшимча ҳаракатланиш йўли,  
 $L_{\text{қўш}}=3$  мм.

$$F = b_{\text{ўрт}} L_{\text{кес}} = 2 \cdot 400 = 800 \text{ мм}^2$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз:

$$s_z = 0,3 \frac{\text{мм}}{\text{айл}} [5, 85 \text{ б}].$$

3. Норматив асосида кесувчи асбобнинг турғунлик даврини аниқлаймиз:

$$T = 60 \text{ дақ.} [5, 87 \text{ б.}]$$

4. Кесиш тезлиги ҳамда шпинделнинг айланиш сонини топамиз:

$$v = v_{\text{ж}} K_1 K_2 K_3 = 35 \cdot 1,1 \cdot 1,35 \cdot 1,15 = 59,77 \text{ м/дақ},$$

бу ерда,  $v_{\text{ж}}$  - жадвал бўйича кесиш тезлиги,  $v_{\text{ж}} = 35$  м/дақ. [5, 96 б.];

$K_1$  - ишлов бериш ўлчамларига боғлиқ коэффициент,  $K_1=1,1$  [5, 96 б.];

$K_2$  - кесувчи асбобга боғлиқ коэффициент,  $K_2=1,35$  [5, 100 б.];

$K_3$  - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент,  $K_3=1,15$  [5, 100 б.].

Тавсия этиладиган шпинделнинг айланишлар сони:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 59,77}{3,14 \cdot 120} = 159 \text{ дақ}^{-1},$$

Танлаган дастгоҳимизга кўра айланишлар сонини  $n=300$  1/дақ. тенг деб оламиз. У ҳолда ҳақиқий кесиш тезлиги:

$$v_x = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 120 \cdot 300}{1000} = 113,1 \text{ м/дақ}.$$

5. Дақиқавий ўтишни ҳисоблаймиз:

$$s_m = s_z z_u n = 0,3 \cdot 8 \cdot 300 = 720 \frac{\text{мм}}{\text{дақ}}.$$

бу ерда,  $z$  - тишлар сони.

Дастгоҳ паспорти бўйича тўғрилаймиз:  $s_m=1000$  мм/дақ.

6. Асосий вақтни ҳисоблаймиз:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{s_m} = \frac{406,5}{1000} = 0,407 \text{ дақ.}$$

7. Кесиш қувватини ҳисоблаймиз:

$$N_{\text{кес}} = E_z \frac{v z_u b_{\text{max}}}{1000} K_1 K_2 = 2,3 \frac{113,1 \cdot 8 \cdot 2}{1000} 0,7 \cdot 1 = 2,9 \text{ кВт.}$$

бу ерда,  $E$  - жадвал бўйича аниқланадиган қиймат,  $E = 2,3$  Н. [5, 102 б.];

$K_1$  - кесувчи асбоб материалига боғлиқ коэффициент,  $K_1=0,7$  [5, 103 б.];

$K_2$  - кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент,  $K_2=1$  [5, 103 б.].

Дастгоҳнинг максимал қуввати  $N_{\text{э}} = N \cdot \eta = 13 \cdot 0,8 = 10,4$  кВт.

$N_{\text{кес}} < 1,2N_{\text{э}}, 2,9 < 12,48$ . Ишлов бериш мумкин.

3.7.2. Жадвал усулида 020-токарлик операцияси 1-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 10 юза  $\varnothing 70$  мм диаметр  $L=60$  мм узунликда йўнилсин.

Бошланғич маълумотлар:

дастгоҳ: 16Б16Т1;

кесувчи асбоб: Т15К6 ГОСТ 18877-73;

кесиш чуқурлиги:  $t = 2$  мм.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{кўш}} = 60 + 2 + 3 = 67 \text{ мм,}$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}$  - кесиш узунлиги,  $l_{\text{кес}}=60$  мм;

$y$  - кесиш нуқтасига келиш ва кесиб ўтиб кетиш йўли,  $y=2$  мм [5, 300 б.];

$L_{\text{кўш}}$  - деталнинг конфигурацияси кўра қўшимча ҳаракатланиш йўли,

$L_{\text{кўш}}=3$  мм.

2. Суриш қийматини аниқлаймиз:

$$s_0 = 0,28 \frac{\text{мм}}{\text{айл}} [5, 24 \text{ б}].$$

Танлаган дастгоҳимизнинг паспортига кўра ҳақиқий суриш қийматини белгилаймиз:

$$s_0 = 0,25 \text{ мм/айл.}$$

3. Норматив асосида кесувчи асбобнинг турғунлик даврини аниқлаймиз:

$$T = 50 \text{ дақ. [5, 27 б].}$$

4. Кесиш тезлиги ҳамда шпинделнинг айланиш сонини топамиз:

$$v = v_{\text{ж}} K_1 K_2 K_3 = 125 \cdot 0,9 \cdot 1,25 \cdot 0,85 = 119,53 \text{ м/дақ,}$$

бу ерда,  $v_{\text{ж}}$  - жадвал бўйича кесиш тезлиги,  $v_{\text{ж}} = 125 \text{ м/дақ. [5, 29 б.]$ ;

$K_1$  - ишлов берилаётган материалга боғлиқ коэффициент,  $K_1 = 0,9 [5, 32 \text{ б.}]$ ;

$K_2$  - кесувчи асбобга боғлиқ коэффициент,  $K_2 = 1,25 [5, 32 \text{ б.}]$ ;

$K_3$  - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент,  $K_3 = 0,85 [5, 32 \text{ б.}]$ .

Тавсия этиладиган шпинделнинг айланишлар сони:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 119,53}{3,14 \cdot 70} = 544 \text{ дақ}^{-1},$$

Танлаган дастгоҳимизга кўра айланишлар сонини  $n = 600 \text{ 1/дақ.}$  тенг деб оламиз. У ҳолда ҳақиқий кесиш тезлиги:

$$v_x = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 70 \cdot 600}{1000} = 131,9 \text{ м/дақ.}$$

5. Асосий вақтни ҳисоблаймиз:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{n s_0} = \frac{67}{600 \cdot 0,25} = 0,447 \text{ дақ.}$$

6. Кесиш кучини ҳисоблаймиз:

$$P_z = P_{z(\text{ж})} K_1 K_2 = 90 \cdot 0,85 \cdot 1,1 = 84,15 \text{ Н,}$$

бу ерда,  $P_z$  - жадвал бўйича кесиш кучи,  $P_z = 90 \text{ Н. [5, 35 б.]$ ;

$K_1$  - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент,  $K_1 = 0,85 [5, 36 \text{ б.}]$ ;

$K_2$  - кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент,  $K_2=1,1$  [5, 36 б.].

7. Кесиш қувватини топамиз:

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z v_x}{60} = \frac{84,15 \cdot 131,9}{60} = 1,81 \text{ кВт.}$$

Дастгоҳнинг максимал қуввати  $N_э = N \cdot \eta = 10 \cdot 0,8 = 8 \text{ кВт.}$

$N_{\text{кес}} < N_э, 1,81 < 8$ , яъни ишлов бериш мумкин.

№ опер	№ ўтиш	$d$ , мм	$t$ , мм	$L$ , мм	$S$ , мм/айл	$V$ , м/дақ	$n$ , 1/дақ	$N$ , кВт	$T_0$ , дақ
020	1	70	2	60	0,25	131,9	600	1,81	0,447

3.7.3. Жадвал усулида 020-токарлик операцияси 2-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 11 юза  $\varnothing 128$  мм диаметр  $L=50$  мм узунликда йўнилсин.

Бошланғич маълумотлар: дастгоҳ-16Б16Т1; кесувчи асбоб-Т15К6 ГОСТ 18877-73; кесиш чуқурлиги-2 мм.

Кесиш маромлари 020-операция 1-ўтиш учун ҳисобланган маромлар билан бир хил. У ҳолда асосий вақтни ҳисоблаймиз.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{кўш}} = 50 + 2 + 3 = 57 \text{ мм,}$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}=50$  мм;  $y=2$  мм [5, 300 б];  $L_{\text{кўш}}=3$  мм.

2. Асосий вақт:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{n s_0} = \frac{57}{300 \cdot 0,25} = 0,76 \text{ дақ.}$$

3. Кесиш кучини ҳисоблаймиз:

$$P_z = P_{z(\text{ж})} K_1 K_2 = 90 \cdot 0,85 \cdot 1,1 = 84,15 \text{ Н.}$$

4. Кесиш қувватини топамиз:

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z v_x}{60} = \frac{84,15 \cdot 120,6}{6120} = 1,66 \text{ кВт.}$$

$N_{э} = N \cdot \eta = 10 \cdot 0,8 = 8 \text{ кВт}$ .  $N_{\text{кес}} < N_{э}$ ,  $1,66 < 8$ , яъни ишлов бериш мумкин.

№ опер	№ ўтиш	$d$ , мм	$t$ , мм	$L$ , мм	$S$ , мм/айл	$V$ , м/дақ	$n$ , 1/дақ	$N$ , кВт	$T_0$ , дақ
020	2	128	2	50	0,25	120,6	300	1,66	0,76

3.7.4. Жадвал усулида 020-токарлик операцияси 3-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 12 юза Ø120 мм диаметр  $L=110$  мм узунликда йўнилсин.

Бошланғич маълумотлар: дастгоҳ-16Б16Т1; кесувчи асбоб-Т15К6 ГОСТ 18877-73; кесиш чуқурлиги-2 мм.

Кесиш маромлари 020-операция 1-ўтиш учун ҳисобланган маромлар билан бир хил. У ҳолда асосий вақтни ҳисоблаймиз.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{қўш}} = 110 + 2 + 3 = 117 \text{ мм},$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}=110$  мм;  $y=2$  мм [5, 300 б];  $L_{\text{қўш}}=3$  мм.

2. Асосий вақт:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{nS_0} = \frac{117}{300 \cdot 0,25} = 1,56 \text{ дақ}.$$

№ опер	№ ўтиш	$d$ , мм	$t$ , мм	$L$ , мм	$S$ , мм/айл	$V$ , м/дақ	$n$ , 1/дақ	$N$ , кВт	$T_0$ , дақ
020	3	120	2	110	0,25	113,1	300	1,56	1,56

3.7.5. Жадвал усулида 020-токарлик операцияси 4-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 13 юза Ø60 мм диаметр  $L=70$  мм узунликда йўнилсин.

Бошланғич маълумотлар: дастгоҳ-16Б16Т1; кесувчи асбоб-Т15К6 ГОСТ 18877-73; кесиш чуқурлиги-2 мм.

Кесиш маромлари 020-операция 1-ўтиш учун ҳисобланган маромлар билан бир хил. У ҳолда асосий вақтни ҳисоблаймиз.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{кўш}} = 70 + 2 + 3 = 77 \text{ мм},$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}=70$  мм;  $y=2$  мм [5, 300 б];  $L_{\text{кўш}}=3$  мм.

2. Асосий вақт:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{nS_0} = \frac{77}{600 \cdot 0,25} = 0,513 \text{ дақ.}$$

№ опер	№ ўтиш	$d$ , мм	$t$ , мм	$L$ , мм	$S$ , мм/айл	$V$ , м/дақ	$n$ , 1/дақ	$N$ , кВт	$T_a$ , дақ
020	4	60	2	70	0,25	113,1	600	1,56	0,513

3.7.6. Жадвал усулида 020-токарлик операцияси 5-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 14 юза Ø60 мм диаметр  $L=180$  мм узунликда йўнилсин.

Бошланғич маълумотлар: дастгоҳ-16Б16Т1; кесувчи асбоб-Т15К6 ГОСТ 18877-73; кесиш чуқурлиги-2 мм.

Кесиш маромлари 020-операция 1-ўтиш учун ҳисобланган маромлар билан бир хил. У ҳолда асосий вақтни ҳисоблаймиз.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{кўш}} = 180 + 2 + 3 = 187 \text{ мм},$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}=180$  мм;  $y=2$  мм [5, 300 б];  $L_{\text{кўш}}=3$  мм.

2. Асосий вақт:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{nS_0} = \frac{187}{600 \cdot 0,25} = 1,247 \text{ дақ.}$$

3.7.7. Жадвал усулида 020-токарлик операцияси 6-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 15 юза Ø60 мм диаметр  $L=3$  мм узунликда йўнилсин.



Бошланғич маълумотлар: дастгоҳ-16Б16Т1; кесувчи асбоб-Т15К6 ГОСТ 18877-73; кесиш чуқурлиги-2 мм.

Кесиш маромлари 020-операция 1-ўтиш учун ҳисобланган маромлар билан бир хил. У ҳолда асосий вақтни ҳисоблаймиз.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{қўш}} = 3 + 2 + 3 = 10 \text{ мм,}$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}=3$  мм;  $y=2$  мм [5, 300 б];  $L_{\text{қўш}}=3$  мм.

2. Асосий вақт:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{ns_0} = \frac{10}{600 \cdot 0,25} = 0,067 \text{ дақ.}$$

№ опер	№ ўтиш	$d$ , мм	$t$ , мм	$L$ , мм	$S$ , мм/айл	$V$ , м/дақ	$n$ , 1/дақ	$N$ , кВт	$T_0$ , дақ
020	6	60	2	3	0,25	113,1	600	1,56	0,067

3.7.7. Жадвал усулида 030-токарлик операцияси 1-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 4 юза Ø40 мм диаметр  $L=80$  мм узунликда йўнилсин.

Бошланғич маълумотлар: дастгоҳ - 16Б16Т1; кесувчи асбоб-Т15К6 ГОСТ 18877-73; кесиш чуқурлиги-2 мм.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлиги:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{қўш}} = 80 + 2 + 3 = 87 \text{ мм,}$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}=80$  мм;  $y=2$  мм [5, 300 б];  $L_{\text{қўш}}=3$  мм.

2. Суриш қиймати:

$s_0=0,28$  мм/айл [5, 24 б]. Танланган дастгоҳ паспорти бўйича  $s=0,25$  мм/айл.

3. Норматив асосида кесувчи асбоб турғунлик даври -  $T = 50$  дақ. [5, 27 б.].

4. Кесиш тезлиги ҳамда шпинделнинг айланиш сони:

$$v = v_{\text{ж}} K_1 K_2 K_3 = 125 \cdot 0,9 \cdot 1,25 \cdot 0,85 = 119,53 \text{ м/дақ,}$$

бу ерда,  $v_{\text{ж}} = 125$  м/дақ. [5, 29 б.];  $K_1=0,9$  [5, 32 б.];  $K_2=1,25$  [5, 32 б.];  $K_3=0,85$  [5, 32 б.].

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 119,53}{3,14 \cdot 40} = 951 \text{ дақ}^{-1},$$

Танлаган дастгоҳ паспортига бўйича -  $n=950$  1/дақ. Ҳақиқий кесиш тезлиги:

$$v_x = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 40 \cdot 950}{1000} = 119,4 \text{ м/дақ}.$$

5. Асосий вақт:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{n s_0} = \frac{87}{950 \cdot 0,25} = 0,366 \text{ дақ}.$$

6. Кесиш кучини ҳисоблаймиз:

$$P_z = P_{z(ж)} K_1 K_2 = 90 \cdot 0,85 \cdot 1,1 = 84,15 \text{ Н}.$$

7. Кесиш қувватини топамиз:

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z v_x}{60} = \frac{84,15 \cdot 119,4}{6120} = 1,64 \text{ кВт}.$$

$N_{\text{э}} = N \cdot \eta = 10 \cdot 0,8 = 8 \text{ кВт}$ .  $N_{\text{кес}} < N_{\text{э}}$ ,  $1,64 < 8$ , яъни ишлов бериш мумкин.

№ опер	№ ўтиш	$d$ , мм	$t$ , мм	$L$ , мм	$S$ , мм/айл	$V$ , м/дақ	$n$ , 1/дақ	$N$ , кВт	$T_0$ , дақ
030	1	40	2	80	0,25	119,4	950	1,64	0,366

3.7.8. Жадвал усулида 030-токарлик операцияси 2-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 5 юза  $\varnothing 40$  мм диаметр  $L=80$  мм узунликда йўнилсин.

Бошланғич маълумотлар: дастгоҳ-16Б16Т1; кесувчи асбоб-Т15К6 ГОСТ 18877-73; кесиш чуқурлиги-2 мм.

Кесиш маромлари 020-операция 1-ўтиш учун ҳисобланган маромлар билан бир хил. У ҳолда асосий вақтни ҳисоблаймиз.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{қўш}} = 80 + 2 + 3 = 87 \text{ мм},$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}=80$  мм;  $y=2$  мм [5, 300 б];  $L_{\text{қўш}}=3$  мм.

2. Асосий вақт:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{nS_0} = \frac{87}{950 \cdot 0,25} = 0,366 \text{ дақ.}$$

№ опер	№ ўтиш	d, мм	t, мм	L, мм	S, мм/айл	V, м/дақ	n, 1/дақ	N, кВт	T <sub>0</sub> , дақ
030	2	40	2	80	0,25	119,4	950	1,64	0,366

3.7.9. Жадвал усулида 030-токарлик операцияси 3-ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. 6 юза Ø50 мм диаметр L=80 мм узунликда йўнилсин.

Бошланғич маълумотлар: дастгоҳ-ИР500МФ4; кесувчи асбоб-Т15К6 ГОСТ 18877-73; кесиш чуқурлиги-2 мм.

Кесиш маромлари 020-операция 1-ўтиш учун ҳисобланган маромлар билан бир хил. У ҳолда асосий вақтни ҳисоблаймиз.

1. Суппортнинг ҳаракат йўли узунлигини ҳисоблаймиз:

$$L_{p.x} = l_{\text{кес}} + y + L_{\text{кўш}} = 80 + 2 + 3 = 87 \text{ мм,}$$

бу ерда,  $l_{\text{кес}}=80$  мм;  $y=2$  мм [5, 300 б];  $L_{\text{кўш}}=3$  мм.

2. Асосий вақт:

$$T_a = \frac{L_{p.x}}{nS_0} = \frac{87}{800 \cdot 0,25} = 0,435 \text{ дақ.}$$

